

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

АХБОРОТ СОҲАСИ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришнинг институционал-ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича самарали тизим шаклланди.

Давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда – давлат органлари ва бошқа ташкилотлар) матбуот хизматларининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Бундан ташқари, соҳага инвестициялар жалб этиш ҳамда ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини ташкил этишда, хусусийлаштириш дастурларини амалга оширишда давлат-хусусий шериклик имкониятларидан фойдаланишга лозим даражада эътибор қаратилмапти.

Ахборот соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизimini такомиллаштириш, мамлакат медиа-бозорини жадал ривожлантириш, давлат орган-

лари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг очкилигини таъминлаш, китоб ва бошқа босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш сифатини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги вазифаларга мувофиқ:

1. Куйидагилар: Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги негизда **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги** (кейинги ўринларда – Агентлик); Қорақалпоғистон матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари негизда **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармалари** (кейинги ўринларда – ҳудудий бўлинмалар);

юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришнинг қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма);

Давоми 2-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АДМИНИСТРАЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги "Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5653-сонли Фармонида мувофиқ:

Куйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тўғрисидаги низоом 4-иловага мувофиқ; 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантириш дастури 5-иловага мувофиқ;

Давоми 2-бетда ➡

9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун



«САҲО ЖАВҲАРИ АСРУ НАФИС...»

(Алишер Навоий ижодида саховат ва ҳиммат васфи)

"Саховат инсоният боғининг борвар шажаридур (мевали дарахти), балки ул шажарининг муфид самаридур (фойдали ҳосили, меваси)", – дейди Навоий "Маҳбуб ул-қулб"да. Бинобарин, улуг мутафаккир наздида инсонликнинг асоси – ҳиммат. Унингча, "Ҳимматсиз киши эр сонида эмас, руҳсиз баданни киши тирик демас". Чунки, "Ҳиммат аҳлигадур саховат ихтисоси (саҳийлик ҳосиди) ва бу икки шариф сифат – валоят хоси. Саховат одамига бадандур ва ҳиммат анга руҳ ва ҳиммат ахлидин оламда юз минг футуҳ". Яъни, ҳиммат аҳли саховатга қодир, ҳиммат ва саховат эса валийликнинг белгиларидандир. Саховат инсон учун бадан каби бўлса, ҳиммат шу баданнинг руҳи ва ҳиммат туфайли инсон юксак маънавий даражаларга эришади.



Ғамхўрлик

Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ҳамда даражасини оширишга кенг қамровда ёндашиш асосий мезон қилиб белгиланган.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бугунги кунда вилоятимизда 44 мингдан ортиқ, Пискент туманида эса 1 минг 679 нафар ногиронлиги бор шахслар яшайди. Уларнинг аксарияти кундалик турмушда турли қийинчиликларга дуч келади. Мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок эта олмайди.

Туманимизда ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, айниқса, уйга муҳтож бўлган ногиронларни турар-жой билан таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ўтган йилда 9 нафар ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган фуқароларни уй-жой билан таъминлаш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда 7 нафари Олмалик шаҳридаги "Универсал фиш савдо" МЧЖ томонидан ҳимойилик асосида уй-жой билан таъминланмоқда. Қолган 2 нафар фуқарога ҳам ҳимойилар томонидан уй-жой берилиши режалаштирилган.

Р. ЭРҒАШЕВА,
Халқ депутатлари Пискент тумани кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссия раиси

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚДАН ЮҚОРИ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

"YUQORICHIRCHIQ METALL INVEST" масъулияти чекланган жамияти 2012 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Корхона 2 гектар майдонда жойлашган бўлиб, бу ерда турли қувватдаги кабеллар ишлаб чиқарилади. Хитойдан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган корхона

йилига 5 минг тонна маҳсулот тайёрлаш имконига эга. Кувонарлиси, маҳсулотнинг 90 фоиздан ортиги экспорт қилинар экан. – Маҳсулотларимиз, асосан, Эрон, Туркия давлатларидан ўзи-

нинг доимий харидорларини топган, – дейди корхона директори ўринбосари Эргаш Атаханов. – Яқинда Қозғистон, Беларусь мамлакатлари билан ҳам шартнома имзоладик. Энди иш ҳажми янада кен-

гайди. Мақсадимиз, сифатли маҳсулотларимиз билан жаҳон бозоридида муносиб ўрин эгаллаш.



«ТУЯ ГҲШТИ ЕГАН» ҚУРИЛИШ

ёхуд Чирчиқ деҳқон бозори қачон топширилади?

Бу ҳақда вилоят «Ҳокимлик соати»да гапирилган эди...

Авваллари йўл бўлган, ҳозир эса бозор қилиб олинган бу жойлар санитария-гигиена талабларига мутлақо жавоб берайди. Кўча бўйлаб кетар экансиз, йўл-йўлакай турли-туман озиқ-овқат маҳсулотларига қўзингиз тушади, озгина юрсангиз кийим-кечак, канцелярия моллари ва яна мева-сабзавот, тухум, гўшт маҳсулотлари, хуллас, ҳаммасидан бор. Қўкат, суқатқатқ дейсизми – калла-поча, пайпоқ, аёллар соч бўёғи барчаси муҳайё. Яна

маҳсулотлар учун раста қилинмаган, сотувчилар молларини шундоққина оёқ остига ёйиб қўйганча савдо қилишарди. "Бу маҳсулотларни турли жойлардан қидириб, овора бўлмай-сиз, бир йўла харид қилиб кетаверасиз. Яна айнамаган, негаки муздаққина ерда турибди", деб ўйлашса керакда мутасаддилар...

Вазиятни суратга муҳрлаш ниятида фотоаппаратни олгандик, ариқ бўйидаги сотувчи холалар "товар"

ларини йиғиштириб: "Ана, текширувчи келди", "Яна солиқчи юрибди", дея шошиб қолишди. Бизни комиссия деб ўйлади шекилли, ўрта ёшлардаги харидор аёл ёнимизга келиб: "Ҳой ука, булар ҳам нима қилсин? Рўзгорим, бола-чақамни боқаман, деб юришибди-да, осон-мас-ку, ахир. Ундан кўра, бошликларга айтинглар, шароит қилиб беришин", деди хуноби ошиб.

Секин сотувчилар олдида бордик. Уларга газета муҳбири эканимизни, тахририятга келган мурожаатлар юзасидан келганимизни, қолаверса, вазиятни холисона ёритиш ниятида эканимизни айтганимизда, бир

оз тинчланиб, дарду ҳасратларини тўкиб солишди. – Эй, ука, деярли ҳар куни шу аҳвол, – дейди ўзини Мавлуда деб таништирган сотувчи оғир хўрсиниб. – Ўтган йили бозоримизни бузиб ташлашди. Ўрнига янги, замонавийсини қуриб, шароитларини зўр қилиб, сентябргача топширамиз, дейишганди. Битишидан дарақ бўлмагандан сўнг, ҳокимиятдагиларга мурожаат қилиб чиқдик. Улар сабр қилинглар, бира тўла янги йилда кирасизлар, деб ишонтиришганди. Лекин... ўзингиз қуриб турибсиз... Биз ҳам нима қилайлик, тирикчилик қиламиз, рўз-

гор тебратамиз, деб юрибмиз-да. Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2017 йил 27 мартдаги "2017-2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг худудидида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарорига асосан, республикамиздаги деҳқон бозорларини мукамал реконструкция қилиш кўзда тутилган эди. Жумладан, Чирчиқ шаҳрида ҳам аҳоли учун қўлай шарт-шароитга эга бўлган, қўркам, барча талабларга жавоб берадиган замонавий савдо мажмуаси қуриш режалаштирилган.

Давоми 3-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИАХБОРОТ СОҲАСИ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази негизда **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази** (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилсин.

2. Тошкент матбаа-ноширлик касб-хунар коллежи, унинг номи **Ноширлик-матбаа фаолияти соҳасида мутахассисларни тайёрлаш касб-хунар коллежи**га ўзгартирилган ҳамда амалдаги молиялаштириш тизимини сақлаб қолган ҳолда Агентлик тасарруфига ўтказилсин.

3. Қуйидагилар:

а) **Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

фуқароларнинг ҳуқуқ ва ахборот эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларнинг рўйбога чиқишини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, медиа-бозорда улар учун тенг шароитлар яратиш, шунингдек, журналистлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятининг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш, шунингдек, инвестициялар жалб этиш ва давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш;

ахборот соҳасидаги қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини умумлаштириш, оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятининг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини илгари суриш ва ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларга улар фаолиятининг очиклигини таъминлашда, давлат хизматчиларига оммавий ахборот воситалари билан очик, оммавий ўзаро ҳамкорлик қилиш маданиятини сингдиришда, шу жумладан, уларнинг матбуот хизматлари (жамоатчилик билан ишлаш бўйича бўлинмалари) фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий жиҳатдан таъминлаш орқали кўмаклашиш;

мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислохотларни, инвестициялар киритиш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун яратилган қулай

шароитларни, аввало, хорижий ишбилармон доиралар, тадбиркорлар, салоҳиятли инвесторлар, давлат ва жамоат арбоблари орасида тарғиб этиш ва кенг хабардор қилиш масалаларида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

тармоқ корхоналарининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, замонавий стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимлари, инновацион соҳалар ва технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

китоб нашр этиш, электрон ва аудио китоблар яратиш, китоб мутолааси маданиятини ошириш, хорижда ўзбек адабиётини оммалаштириш соҳасида дастурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

журналистлар ҳамда оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона корхоналари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, тармоқнинг муҳандислик-техник мутахассисларини тайёрлашда кўмаклашиш, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш;

республика ахборот хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш ҳамда ахборот соҳасидаги хатар ва таҳдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб равишда курашни чораларини кўриш;

Агентлик ваколатига тааллуқли масалалар бўйича халқаро ҳамкорликни ташкил этиш;

б) **Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг очиклиги ҳолати ва даражасини таҳлил қилиш; миллий ахборот маконини ҳамда оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши самарадорлигини мониторинг қилиш;

оммавий ахборот воситаларида тарқатилётган материаллар мазмунининг, шу жумладан, шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини тизимли асосда таҳлил қилиш;

оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги муаммо ва тўсиқларни аниқлаш; таҳлил ва мониторинг натижаларини умумлаштириш ва улар асосида тавсиялар бериш.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг фонограммалар ва аудиовизуал асарларни тарқатиш (сотиш, ижарага бериш ва омма эътиборига етказиш)да муаллифлик ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликка ва норматив ҳужжатларга риоя қилиниши устидан давлат назорати бўйича ваколатлари Агентликка берилсин.

5. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Агентликка идоравий мансуб наشريётлар ва матбаа корхоналарининг маҳсулотларини сотишдан тушадиган соф тушумнинг 10 фоизи миқдоридан шартнома асосида ажратмалардан шакллантириладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан 20 миллиард сўм миқдоридан бир марта ажратиладиган маблағлар;

Агентлик томонидан рухсатнома тусидаги ҳужжатлар берганлик учун давлат божи тўлашдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахслар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма маблағлари қуйидагиларга сарфланади:

давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тармоқ корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

китоб мутолааси маданиятини ошириш, ўзбек адабиётини оммалаштириш, ахборот-кутубхона муассасаларининг китоб фондини ривожлантириш, наشريётларнинг ўқув ва адабий материаллари касбий ва бадий савиясини ошириш бўйича лойиҳа ва дастурларни молиялаштириш;

хорижда Ўзбекистоннинг ижобий имижини тарғиб этиш, ахборот кампанияларини ўтказиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, яратилган қулай шароитлар ва ишбилармонлик муҳитининг яхшилланиши тўғрисида, аввало, хорижий ишбилармон доиралар, тадбиркорлар, салоҳиятли инвесторлар, давлат ва жамоат арбоблари орасида тарғиб олиб бориш ва уларни кенг хабардор қилиш; журналистлар ҳамда оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа корхоналари ва ахборот-кутубхона муассасалари ходимларини, шу жумладан, мамлакатимиздан ва хориждан мутахассислар

жалб этиш, хорижда ўқув стажировкаларини ташкил этиш орқали тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тадбирларини молиялаштириш;

Агентлик, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларининг ходимларини моддий рағбатлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

Агентликка юкланган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий ва таълим муассасалари, етакчи халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали ходимларини, шунингдек, жумладан хорижий мутахассисларни маслаҳатчи сифатида жалб этиш бўйича харажатларни қоплаш.

Агентлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқласин, унда, жумладан Агентликка идоравий мансуб корхоналарнинг соф тушумидан маблағларнинг бир қисми бевосита Жамғармага йўналтирилишини назарда тутсин.

6. Агентликка Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ҳ. Раҳматуллаев кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг "Баркамол авлод" республика болалар маркази биноси ва иншоотлари туташ ҳудуди билан биргаликда оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилсин ва унда Ноширлик-матбаа фаолияти соҳасида мутахассисларни тайёрлаш касб-хунар коллежи жойлаштирилсин.

7. Агентлик Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда: қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлик Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчисининг ўринбосари Ф. Ш. Маҳмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 2 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АДМИНИСТРАЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ ВА
ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

3. Агентлик директори: зарур ҳолларда, бошқарув ходимларининг белгиланган шатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Агентлик ва унинг бўлинмалари ташкилий-штат тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, шунингдек, идоравий бўйсунувидаги ташкилотларнинг низомлари ва тузилмаларини тасдиқлаш;

Агентликка юкланган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда – давлат органлари ва бошқа ташкилотлар), нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий-таълим муассасалари, етакчи халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали ходимларини, шу жумладан, хорижий мутахассисларни маслаҳатчилар сифатида шартнома асосида жалб этиш;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан ходимларга асосий эгаллаб турган лавозимлари бўйича лавозим маошларига, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, ҳар ойлик иш ҳақи фондидан 300 фоиздан ошмаган миқдорда устама ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни белгилаш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилансинки:

Агентлик Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи ҳамда оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси раҳбари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган уч нафар ўринбосарлар, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлади;

Агентлик директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг бирин-

чи ўринбосарига, унинг ўринбосарлари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарларига тенглаштирилади;

Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ахборот соҳасида фаолиятни амалга оширувчи барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилот ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

5. Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатасининг 7-иловага мувофиқ таркибда PR-марказ функцияларини амалга ошириш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳини тузиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

Қуйидагилар Идоралараро ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Агентлик томонидан PR-фаолиятни ташкил этишнинг устувор вазифа ва йўналишларини, концептуал асосларини ишлаб чиқиш, ушбу соҳада самарали идоралараро мувофиқлаштиришни йўлга қўйиш;

иқтисодийнинг турли тармоқларида инвестицияга эҳтиёж ва салоҳиятли лойиҳалар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнини ва бизнес-форумлари ташкил этишни PR жиҳатидан қўллаб-қувватлаш учун доимий асосда ахборот материалларини тайёрлаш;

мамлакатимиз инвестиция салоҳияти тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва таҳлил қилиш, истиқболли инвестиция тақлифларини рўйхатини, хорижий инвесторлар учун зарур тақдимот материалларини тайёрлаш учун маълумотларни шакллантириш бўйича тадбиркорлик субъектлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

жаҳон ахборот маконинда Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантириш ва илгари суриш, мамлакатнинг инвестиция муҳити ва туристик салоҳиятини тарғиб этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш.

6. Белгилансинки:

Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Жамғарма маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари тегишли равишда Ўзбекистон матбуот ва

ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг марказини шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Агентлик фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда у билан келишилиши шарт;

Агентлик давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тайёрланадиган ва кейинчалик телерадиоканалларда, жумладан, нодавлат телерадиоканалларда трансляция қилишга мўлжалланган ижтимоий ролик ва эълонларни тайёрлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиради.

7. Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 1 мартга қадар Агентликка, истисно тариқасида, унинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, умумий ўрта таълим муассасалари учун тегишли ўқув йилида ўқув адабиётини нашр этиш ва нусхасини кўпайтириш учун зарур хом ашё ва сарф материалларини харид қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадида китоб жамғармасининг шу мақсадлар учун қўзда тутилган маблағлари доирасида аванс маблағларини ажратсин.

Агентлик Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Агентликка хом ашё ва сарф материалларини харид қилиш учун аванс маблағларини ажратсин, уларни харид қилиш ва ноширлик-матбаа корхоналари ўртасида тақсимлаш, шунингдек, умумий ўрта таълим муассасалари учун ўқув адабиётини нашр ва қайта нашр этиш бўйича харажатларни молиялаштиришда ушбу маблағлар ҳисобини юритиш тартибини тасдиқласин.

8. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига идоравий бўйсунувидаги матбуот хизматлари (жамоатчилик билан ишлаш бўлинмаларининг сифатли фаолият юритиши, улар олдига қўйилган вазифаларнинг самарали бажарилиши,

шунингдек, уларни малакали мутахассислар билан тўлдирилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Агентлик билан биргаликда 2019 йилда замонавий иxtисослашган китоб дўконлари, ноширлик-матбаа корхоналарини модернизация қилиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш, янги китоб дўконларини қуриш, шунингдек, дарсликлар ва бошқа босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотларнинг кредит линиялари ҳисобидан маблағларнинг жалб этилишини таъминласин.

12. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар Агентлик тизимидаги объектлар ва мол-мулкни тўлиқ хатловдан ўтказсин ва Агентликнинг идоравий бўйсунувидаги корхоналарини хусусийлаштириш, ушбу соҳада давлат-хусусий шерикликни жорий этиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутадиган Республика ноширлик-матбаа тармоғини ривожлантириш комплекс дастурини тасдиқласин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари талабномаларига кўра миллий китоб ва босма маҳсулотларини сотиш бўйича кўчма китоб павильонларини жойлаштириш учун жамоат жойларида (марказий кўчалар, истироҳат боғлари, бозорлар, темир йўл вокзаллари, метрополитен бекатларида киришда ва бошқа) бўш турган ер майдонларининг беғарас асосда берилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда: давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, жумладан, ҳарбий қисмларда идоравий кутубхоналар фаолият юритиши ҳамда уларнинг фонди Агентлик тақлифлари асосида ҳар йили янгиланиб борилишини назарда тутадиган ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва қабул қилсин;

босма маҳсулотлар ҳамда даврий босма нашрларнинг мажбурий бепул нусхаларини олувчи ташкилотлар рўйхатини қисқартиришни ҳисобга олган ҳолда уларни тарқатиш тартибини қайта кўриб чиқсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Агентлик тақлифлари асосида республика ўрта мах-

сус ва олий таълим муассасалари кутубхоналарини тўлдириш учун бадий адабиётлар рўйхатини шакллантирсин ва ҳар йили ушбу адабиётларни харид қилиш учун зарур маблағларни ажратсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир ой муддатда Агентликни алоқа, шу жумладан, ҳукумат алоқаси воситалари билан, шунингдек, кенг полосоли Интернет тармоғига улаанишини таъминласин.

17. Агентлик Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 30-уй манзили бўйича беғарас фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

18. Агентликка Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 5 та, шу жумладан, 4 та шахсий бил-рикланган ва 1 та наватчи хизмат эн-рикланган автомобиллари сотиб олиш ва сақлаш учун лимит белгилансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати қуйидаги мазмунда 30-банд билан тўлдирилсин:

"30. Таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик жамланмаларни нашр этиш (қайта нашр этиш) учун мўлжалланган қозғов ва бошқа сарфлаш материаллари".

20. Агентлик Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин; ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчисининг ўринбосари Ф. Ш. Маҳмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 2 февраль

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚДАН СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

Корхона фаолияти билан танишар эканмиз, ички тартиб ҳамда ишчиларнинг ғайратини кўриб, завқландик. Иш жараёни жуда ҳам қизиқ.

Маҳсулотимиз сифатини қатъий назорат қиламиз, — дейди бош мутахассис Евгений Королёв. — Ишлаб чиқариш жараёнида намуналар олиб, лабораторияга жўнатилади. У ерда кабеллар стандартга мос келиши ё келмаслиги текширилади. Агар, маҳсулот сифати бўйича савол пайдо бўлса, дарҳол сабабини аниқлаймиз.

— Эрталаб соат 8:00 дан иш бошлаймиз, — дейди ишчи Шерзод Охунов. — Тушлигимиз тайёр, бошқа шароитлар ҳам яхши. Айниқса, бизнинг қўлимиздан ўтган маҳсулотлар дунё бозорларини беэаётгандан мамнунмиз.

Эрзоли НОРБЕКОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири



Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар



МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Пенсияларни ҳисоблаш электрон базаси ишга тушади

Мазкур электрон база ишга тушгандан кейин пенсияга чиқаётган шахс иш ҳақи ҳақидаги турли маълумотномаларни Пенсия жамғармасига топширишига ҳолат қолмайди.

2018 йилнинг январь ойига нисбатан...

Цитрус мевалари нархлари бир оз арзонлашганини ҳисобга олинмаганда, деярли барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархида ўсиш кузатилган. Гўшт ва парранда гўшти 0,9 фоиз, балиқ ва балиқ консервалари нархлари 2,0 фоизга кўтарилди.



Ўтган ой давомида...

Автомобиллар учун ёқилғи нархлари 0,7 фоизга қимматлашди. Бензин нархлари барқарор сақланиб қолган бўлса, метан нархи 9,4 фоизга кўтарилиб, пропан 14,4 фоизга арзонлашди.

Элдор Шомуродов Испанияга йўл олди

Терма жамоамиз ҳужумчиси Элдор Шомуродов Россиянинг "Ростов" клубида тўп сурмоқда. Жамоа ўзининг давралар оралиғидаги учинчи хорижий йиғинини ўтказиш учун Испанияга жўнаб кетди.



Юртошимиз шохсунада

Бельгияда ташкил этилган "International Belgian Track Meeting" халқаро турнирида велоспортчиларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этишмоқда. Терма жамоамиз аъзоси Ольга Забелинская Point Race пойғаларида очколар бўйича галаба қозонди ва мамлакатимиз делегацияси ҳисобида навбатдаги олтин медални кўшиб қўйди.

Бекобод туманидаги чегара худудида ўтказилган тезкор тадбир давомида тун қоронғусида оғир қопни кўтарганча чегарадош худудда изғиб юрган шахс ҳушёр ходимлар томонидан қўлга олинди, деб хабар беради ЎЗА.

210 МИЛЛИОН СЎМЛИК ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИ УШЛАБ ҚОЛИНДИ



Вилоят божхона бошқармаси Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари ДХХЧК ходимлари билан ҳамкорликда юртимиз худудига йirik микдордаги тамаки маҳсулотларини ноқонуний олиб киришга уринган шахснинг қилмишларини фотосуратлади.

Давлат божхона кўмитаси ахборот хизмати маълумотларига кўра, вилоятнинг Бекобод туманидаги чегара худудида ўтказилган тезкор тадбир давомида тун қоронғусида оғир қопни кўтарганча чегарадош худудда изғиб юрган шахс ҳушёр ходимлар томонидан қўлга олинди.

Аниқланишича, ушбу шахс 1990 йилда туғилган, фуқаро Ф.Х. бўлиб, у мамлакатимиз худудига умумий қиймати 210 миллион сўмлик, жами 9 минг 590 қўти тамаки маҳсулотларини божхона тўловларини тўламадан олиб киришга уринган экан.

Хорижда ишлаб чиқарилган ва акциз маркази билан маркланмаган "Business Royals" номли ушбу тамаки маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан божхона текширувлари давом эттирилмоқда.

БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш вилоят Кишлоқ хўжалиги бошқармаси мутахассислари зиммасига ҳам ниҳоятда катта масъулият юклайди.

Сарҳисоб

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги "Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори қабул қилингандан сўнг, аҳоли билан му-

лоқотларни ташкил этиш ҳамда мурожаатлар билан ишлашда очиқлик ва шаффоликни янада кенгроқ таъминлаш мақсадида бошқарма-мамизнинг туман худудий бўлимларида 2019 йил дастурий режаси ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатларда мурожаатлар билан ишлаш тартиблари, муддатлари аниқ белгилаб берилди. Шунингдек, масъул раҳбарларнинг мурожаатлар билан ишлашнинг тизимли асосда олиб бориш, қўйи тузилмалардаги

ишларни мунтазам таҳлил қилиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш масъулияти оширилди.

Ўтган йилда жисмоний ва юридик шахслардан бошқарма-мамиз ва унинг худудий тузилмаларига 1 минг 651 та мурожаат келиб тушган бўлса, шундан 72 таси Президентнинг Виртуал қабулхонаси орқали олинган. Яна 406 тасини оғзаки, 1 минг 173 тасини ёзма мурожаатлар ташкил этди. Мурожаатлар юзасидан бошқарма бошлиғи 55 нафар, унинг ўринбосарлари эса 67 нафар фуқарони қабул қилди. "Сайёр қабулхона"ларда эса 77 нафар фуқаронинг мурожаати ўрганилиб, уларнинг деярли 90 фоизи ижобий ҳал этилди. Қолган қисми ўрганиш учун юқори идораларга жўнатилди.

Афсуски, бошқарма ва унинг худудий тузилмалари ходимлари ўртасида ҳамон фуқаролар мурожаатларига беэтиборлик билан қараётган, муаммони ўз вақтида ҳал этмай, асоссиз орқага сураётган ходимларимиз ҳам йўқ эмас. Ўтган йил якуни бўйича ўтказилган йиғилишда айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратдик. Бу бўйича бошқарманинг икки нафар бош мутахассисига нисбатан "интизомий чора" қўлланилди. Худудий бўлимларимиздаги 2 нафар мутахассисга "ҳайфсан" берилди. Бир нафар ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Аваз БОЛТАБОВ,
вилоят Кишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи

— Очиғи, бунақа сарсонгарчилик, бесаранжомлик жонимизга теккан, — дея суҳбатга қўшилди 20 йилдан бери савдо қилувчи, ўзини Бахтиёр

рон бўлиб, суратга олиш учун яна фотоаппаратни ишга солгандик, ўша эълонни дарҳол олишга тушишди. Хуллас, масалага ойдинлик кири-

боғландик. У киши вазиятни қуйидагича изоҳлади: — Бу бозор жуда эски, 1952 йил қурилган. Шунинг учун, иншоотлар,

Тез кунда буням ҳал қилсак, ҳисоб рақамимизни очиб беришарди. Сўнгра, ишимиз тезлашарди.

Унинг таъкидлашича, қурилиш тўхтаб қолганининг яна бир сабаби бор. Яъни, бозор бузилмасдан аввал кўпгина дўконлар хусусий бўлган. Қарорга кўра, бундай мулк эгаларига етказилган зарарни қоплаш учун бадал тўлашни керак эди. Аммо, пулни баъзилар олган, баъзилар эса йўқ. Олмаганлар судга мурожаат қилишган. Уларнинг ҳам муаммолари яқинда ҳал бўлар эмиш...

Суҳбат асосида, кўчада савдо қилаётган сотувчилар, умуман, бундай шароитда фаолият юритиш гигиена талабларига қанчалик жавоб беришини сўраганимизда: "Улар бозор ишлаб турганда ҳам ичкарига киришмаган", деган жавобни олдик.

Мантиқни қаранг!

Эрзоли НОРБЕКОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар

«ТУЯ ГЎШТИ ЕГАН» ҚУРИЛИШ

ёхуд Чирчиқ деҳқон бозори қачон топширилади?

деб таништирган шахс. — Ҳали солиқчи келди, ҳали комиссия келди, деб тинч қўйишмайди. Қийналиб кетдик-ку, ахир. Шароит бўлмаса, тинчгина савдо қилишга қўйишмасан...



тиш мақсадида, "Чирчиқ деҳқон бозори" МЧЖ раҳбари Убайдулла Шерматов билан телефон орқали

дўконлар яроқсиз ҳолга келиб қолган. Айниқса, канализация қувурларидан тинимсиз сув оқиб турарди. Шу боис, барчасини бузиб, қурилишни "нол"дан бошлашга мажбур бўлдик. Шунингдек, бундан қарий 6 йил аввал, собиқ бозор раҳбарлари устидан жиноий иш очилган. Улар қамалиб кетгач, бозоримизга 2,5 млрд. сўм микдорда жарима солинган. Секин-аста бу жаримани уздик. Ҳозир 200 миллион сўмдан зиёдроқ қарзимиз қолди.



Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги ПФ-5552-сонли Фармонида асосан давлат объектларига камида 1,0 млн. АҚШ доллари микдоридан инвестиция киритиш шarti билан тўридан-тўғри сотиш имконияти яратилди.

№	№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Бино ва иншоотлар майдони*	Балансда сақловчи
Бўка тумани					
1	1	Машина-трактор парки ва бино-иншоотлари	Бўка тумани, "Янгиобод" МФЙ	1521,5	Бўка тумани ҳокимлиги
2	2	Ачамайли аҳоли дам олиш маркази бино ва иншоотлари	Бўка тумани, Ачамайли ф/у	920,0	Бўка тумани маданият бўлими
3	3	Қурилиши тугалланмаган болалар шифохонаси	Бўка тумани, "Янгиқўрғон" МФЙ	2282,7	Туман ҳокимлиги
4	4	Бўш турган нотуражой (гараж) бино-иншоотлари	Бўка тумани, "Баҳмал" МФЙ	2003,9	Бўка тумани ҳокимлиги
Қибрай тумани					
5	1	Собиқ маданият уйи бино ва иншоотлари	Қибрай тумани, "Ботаника" МФЙ	1075,3	Қибрай тумани маданият бўлими
Паркент тумани					
6	1	Собиқ ширкат хўжалиги биноси	Паркент тумани, "Бозорбош" МФЙ, Номданақ кишлоғи	1193,2	Паркент тумани ҳокимлиги
7	2	Собиқ юқумли касалликлар шифохонаси (1-қисми)	Паркент тумани, "Марказий" МФЙ, Шифокорлар кўчаси	2023,3	Паркент тумани ҳокимлиги
Оҳангарон тумани					
8	1	Чойхона биноси	Оҳангарон тумани, Увақ ҚФЙ	1171,1	Оҳангарон тумани ҳокимлиги
9	2	"Орзу" болалар дам олиш маскани бино-иншоотлари	Оҳангарон тумани, Айрисой кўрғони	2277,4	Оҳангарон тумани ҳокимлиги

Ангрен шаҳри					
10	1	Марказий шифохонанинг онкология бўлими биноси	Ангрен шаҳри, Дукент кўрғони, Ўқитувчилар кўчаси	1248,9	Ангрен шаҳар ҳокимлиги
11	2	Қорабўғ шифохонасининг фойдаланилмаётган биноси	Ангрен шаҳри, А.Темур кўчаси	3916,9	Ангрен шаҳар марказий шифохонаси
12	3	"Узшхастрой" АЖнинг учта ётоқхона биноси	Ангрен шаҳри, 5/2-даха	2279,0	Ангрен шаҳар ҳокимлиги
Куйи Чирчиқ тумани					
13	1	3 қаватли эски шифохона биноси	Куйи Чирчиқ тумани, "Маданият" МФЙ	4700,0	Куйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги
14	2	Собиқ хўжаликлараро биологик фабрикаси	Куйи Чирчиқ тумани, "Пахтазор" маҳалласи, Иноқобод кўчаси	2077,19	Куйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги
Ўрта Чирчиқ тумани					
15	1	Чирчиқ дам олиш оромгоҳи бино ва иншоотлари	Ўрта Чирчиқ тумани, Истиклол ҚФЙ, "Уртабуз" маҳалласи	370,8	НКМК жанубий кон бошқармаси

Ушбу объектлар бўйича талабгорлар томонидан камида 1,0 млн. АҚШ доллари микдоридан инвестиция киритиш ва янги иш ўринлари яратиш тақлифи келиб тушганида вилоят комиссияси ва Халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан кўриб чиқилади. Объектлар бўйича ҳужжатлар 7 кун ичида Тошкент вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармасига тақдим этилиши лозим.

Ушбу муддатда объектлар бўйича тақлифлар келиб тушмаган тақдирда электрон онлайн савдоларига чиқарилиши мумкин.

Мурожаат учун манзил:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90-уй.
Тел.: 70-76-20-313, 70-76-22-283,
90-358-76-60.

Ижтимоий эълон

Зухриддин ҚАМБАРОВ

Дарҳақиқат, ҳиммат ҳолини кашф этиш валоят чўққиларига етишишнинг нишонасидир. Шу сабабли ҳам Навоий "Насойим ул-муҳаббат" да ҳимматни валийликнинг шартларидан бири сифатида кўрсатиб ўтади.

Ҳўш, ҳиммат инсонда қандай ахлоқий фазилатларни тарбиялайди? Аввало, "Базли мавжуд" – ўзидаги нарсани бошқалар билан баҳам кўра олиш қобилияти. Қолаверса, хасислик, бахиллик сингари иллатларни инсон табиатидан қувадиган куч ҳам ҳиммат ва саховатдир. "Сахий булутдир – иши хирмон, балки маҳзан бермак. Бахил мўрдур (чумоли) – даъби хўша (одати бошок), балки дона термак". Инсон таби-

еса ижтимоий жипслик, яқдилликни келтириб чиқаради.

Бироқ ҳимматни исрофдан, саховатни манманликдан фарқлаш керак. Кўр-кўрона, кераксиз жойда кўрсатилган ҳиммат – исроф, кўз-кўз қилиб, инсон шаънини топ-



«САХО ЖАВҲАРИ АСРУ НАФИС...»

атини бахилликдан покламай туриб камолотга эриштириб бўлмайди: "Соҳиб ҳиммат муфлислик билан паст бўлмас, ҳимматсиз ганж топса, бийикларга ҳамдаст бўлмас".

Ҳиммат Навоийда нафақат инсоний ҳислат, фазилат, балки ижтимоий аҳамиятга моллик фалсафий-ахлоқий категория даражасига кўтарилган. Чунки, ҳиммат инсоннинг жамият билан алоқасини таъминлайдиган воситалардан биридир. "Адаб – ҳимматлиларнинг зийнатидур". "Доимо ҳимматли бўлқи, у барча ишларнинг кучи ва манбаидир", дейди Навоийнинг қаҳрамонлари.

Жамият бўлиб яшаш инсонларнинг бир-бирлари учун таянч бўлишларини тақозо этади. Навоий наздида олий ҳиммат – ночор ва муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, зарур пайтда керакли ёрдамни кўрсатиш. Улғу шоир "Хайрат ул-аброр"да ёзади:

**Буки санга Тенгри ато айлади,
Қисм карам бирла сахо айлади...**

**Жуду саховат чоғи буҳл этмагил,
Шукр замони доғи буҳл этмагил.**

**Буҳл эрур борча сифатдин хасис,
Лек сахо жавҳари асру нафис.**

Навоий саховат кўрсатилиши керак бўлган инсонлар тоифасига, авваломбор, жамиятнинг кам таъминланган аҳоли қатламлари, камбағал-ночорлар, талабаларни киритган, ўшаларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатилиши лозим, деб ёзган. Масалан, у истеъдодли толиби илмларни излаб топиш ва уларга қўмаклашиш, камбағалларга кийим ва таом улашиш ҳиммат йўлини тутганлар учун фарзи айндир, дейди: "Хунарларни топмоқ – едурмақдур ва айбларни ёпмоқ кийдурмақдур. Маҳаллида берган эски тўн – саховат ва бемаҳал берган зарбофт чорқаб – шақоват. Десангки, таоминг зоеъ бўлмағай – едур ва тиласангки, либосинг эскирмағай – кийдур".

Бобурнинг: "Аҳли фазл ва аҳли хунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий (қувват берувчи, мададкор) маълум эмасмик, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай", – деган сўзлари ҳам беҳиз эмас.

Ҳиммат, саховат инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, шафқат ва раҳмдилликни кучайтиради. Бир-бирларининг ҳолидан хабар олиб, зарур пайтда ёрдам кўрсатиш

тайдиган саховат – манманлик. Навоий бу хусусда ёзади: "Ҳиммат аҳлига агарчи бийик кавкабдур, аммо саховатга неча мартабадур. Исроф сахо эмас ва итлоф (йўқ қилиш, барбод қилиш)ни маъно аҳли сахо демас. Ҳақ молин куйдурганни девона дерлар ва ёруг кунда шамъи кофурий ёққонни ақлдин бегона дерлар. Мубоҳот (фахрланиш, мақтаниш) учун бермак – худнамолик ва анинг билан ўзин сахий демак – беҳаёлик. Улқи эл кўрмагунча бермас – лаимдур (паст, нокас), сахий эмас. Тилаб берганни ҳам саҳодин йироқ бил, ибрам (қистаб, қаттиқ талаб қилиб олиш) билан бергандин бермаганни яхшироқ бил. Бирта ўтмак (нон)ни икки бўлуб, ярмин бир очга берганни сахий де, ўзи емай барин муҳтожга берганни ахий де".

Демак, эҳтиёж бўлмаган жойда ҳиммат кўрсатиш ёруг кунда шам ёқиш билан рабобар, намойишкорона, асоси пуч обрў орттириш учун қилинган саховат – сохтакорликдир. Образли қилиб айтганда, Навоий ҳиммат дарёсининг қайси ўзандан оқиши ва қай манзилларга ҳаёт ато этиши кераклигини ҳам аниқ кўрсатиб берган.

Саховат, ҳиммат кўрсатишдан олдин, дейди Навоий, ким шунга ҳақиқатан муҳтож ва лойиқ эканлигини аниқлаб олиш керак:

**Эйки санга Тенгри насиб этти жоҳ,
Берди карам қилмоқ учун дастгоҳ.**

**Билки сахо қилғай кимдур муҳик,
Сийм берурга ким эрур мустаҳик.**

**Сочмоқ овуч бирла гуҳар от учун,
Нақд этак бирла мубоҳот учун.**

**Ақл ҳисобидин эрур бас йироқ,
Буҳл бу жудундин эрур яхшироқ.**

Кераксиз жойга ҳиммат кўрсатиш беҳуда исрофгарчилик бўлса, зарарли жойга саховат қилиш ижтимоий иллатларнинг урчишига олиб келади. Бу ҳудди захарли ўсимликнинг остига сув қуйиб уни яшнатиш ёки илонни аждаҳога айлантиришдай бир гап. Бинобарин, ҳиммат ва саховат эгаси учун оғоҳлик бош талабдир.

Алишер Навоийнинг ҳомийлик фаолияти, саховат, мурувват, карам борасидаги қарашлари бугунги кунда ҳам ибрат мактабидир.

**Нодир РАМАЗОНОВ,
Чирчиқ давлат педагогика
институтини ўқитувчиси**

◀ Бошланғич 1-бетда

2018 йилда вилоятимиздаги Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари республика ва халқаро микёсдаги танловларда жуда катта ютуқларни қўлга киритишди. Бу соҳага қаратилаётган эътибор ва яратилаётган имкониятлар мевасидир, албатта.

□ **Офарин!**



БЕҲРУЗ ҲАЙЪАТНИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ

Ўтган йилнинг сўнгги кунларида Қозоғистоннинг Остона шаҳрида "Глория" халқаро кўрик-танлови бўлиб ўтди. Россия Федерацияси, Беларусь, Украина давлатлари ва Ўзбекистондан 16 номинация бўйича 500 га яқин ўқувчилар иштирок этган танлов катта муваффақият билан ўтди. Чирчиқ шаҳридаги 3-Болалар мусиқа санъат мактаби ўқувчилари ҳам бу танловда муносиб иштирок этишди. Мусиқа мактабидаги ижодий муҳит, устозларнинг тинимсиз меҳнатлари маҳсули жаҳон сахналарида намоён бўлмоқда. Хусусан, мазкур кўрик-танловда Жасмина Алиева эстрада хонандалиги йўналиши бўйича 1-ўрин ва "Гран при" соҳибаси бўлди. Беҳруз Юнусов эса эстрада хонандалиги ва гитара чолғусидаги ижроси учун иккита 1-ўринни қўлга киритиб, ҳайъат аъзолари ва мухлисларни лол қолдирди. Шунингдек, Муштарий Аҳмедова (анъанавий иж-

рочилик), Альмира Нагиева (скрипка), Фарангиз Ураимова ва Дурдона Абдуллаева (миллий рақс) ҳам биринчи ўринларни эгаллашди. Албатта, бу улар билан ёнма-ён турган, сабоқ берган устозлари А. Улуғбеков, Х. Шарофудинов, Б. Ашуров, Э. Абелева ва Ч. Чориеваларнинг ҳам ютуғидир.

– Ўқувчиларимиз вилоятимиз фахри, – дейди мусиқа мактаби раҳбари Ахрор Улуғбеков. – Ўзи болаларимизнинг ҳаммаси иқтидорли. Аввалги ютуқларимиздан ташқари, қаранг, битта халқаро танловда 9 та биринчи ўрин ва "Гран при"ни қўлга киритдик. Голибларимиз хорижликларнинг назарига тушишди. Хатто, айримларига ўқишни чет элда давом эттириш таклифлари ҳам келмоқда. Бундан, албатта, қувонамиз.

**Кумуш САЛОМОВА
Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат**

Болалар учун имкониятлар маркази

Ўрта Чирчиқ туманидаги 124-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаб-интернатда туман "Баркамол авлод" болалар маркази ташаббуси билан "Сен ёлғиз эмассан" мавзуда маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

□ **Тадбир**

Тадбир доирасида "Баркамол авлод" болалар маркази тарбияланувчиларининг ижод намуналари кўргазмаси намойиш қилинди.

– Марказимизда ташкил этилган тўғараклар ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини рўёбга чиқаришда, касбга қизиқишини орттиришда муҳим аҳамиятга эга, – дейди марказ директори Барҳаёт Мадиев. – Мазкур та-

бир ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни касбга йўналтириш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда "Баркамол авлод" болалар марказлари тарбияланувчилари куй-қушиқ ва рақслар ижро этишди. Фаол ўқувчиларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Ў.А



ВИЛОЯТ ПРОКУРОРИ @haqiqatonline КЎТАРГАН МАВЗУГА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИ



Унда Чирчиқ шаҳридаги "200-сонли жамоатчилик назорат маскани" сурати берилиб, остида шундай сўзлар битилганди: "Мана шунақа назорат масканларини ҳар ерда учратиш мумкин. Фақат, улар бўм-бўш... Рост, шунча жойда бўлиб, бирорта назорат масканида бирор мардумнинг лоақал пашша кўриб ўтиргангани ҳам бўлмади. Агар, Сиз кўрган бўлсангиз, айтинг... Эсиз, қандоқ яхши ният-

"Тошкент ҳақиқати"нинг телеграмм каналида ҳамда газетанинг шу йил 2 февраль сониди "Назоратсиз қолган назорат масканлари" сарлавҳали ихчамгина лўқма эълон қилинган эди.

ларда бунёд бўлганди бу масканлар. Қолаверса, буям арзонга тушмаганди...

Кунни кеча, аниқроғи, 4 февраль кунини бўлиб ўтган вилоят "Ҳокимлик соати" да сўз олган вилоят прокурори Салом Саматов вилоят, туман ва шаҳар фаоллари эътиборини айнан шу масалага қаратди.

Қайд этилишича, айни пайтда вилоятда 400 га яқин жамоатчилик қузатув масканлари барпо этилган. Афсуски, бугунги кунда бирор туман ва шаҳарда уларни ишлатиш бўйича ҳеч қандай амалий ҳаракат сезилмапти. "Ваҳоланки, январь ойида қайд

этилган жиноятларнинг камидан 50 фоизи олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар расидан эди. Назорат масканлари рисоладагидек ишлашини таъминлаб бермаётган худудий сектор раҳбарлари бунга нима деб жавоб беришаркин?", деб асосли савол қўйди вилоят прокурори.

Дарҳақиқат, "Бу аҳвол жойлардаги маҳалла раисларини, сектор раҳбарларини нега безовта қилмаётгани қизиқ. Ё навбатдаги селекторда шу мавзу кўтарилишини кутаямизми?" деб яқунлаган эди муҳбиримиз ўз мулоҳазаларини.

□ **Қаёққа қараб кетаямиз?**

«УСТОЗИМНИ УРМАҢ, ОЙИ...»

Бу воқеа Оҳангарон шаҳридаги 5-сонли умумтаълим мактабида содир бўлди...

Чигал можаролар гирдобига тушиб қолган оиланинг фарзанди синф хонасида устозининг сўзларини тинглаб ўтирибди. Айни дамда ўй-хаёлларида нима борлиги номаълум, бироқ салдан кейин шундай бўладик...

Уша қизалоқнинг онаси эшикни тақиллатиб, ўқитувчидан қизини қақриб беришини сўрайди. "Дарс – муқаддас", ўқув соати тугашига атиги беш дақиқа қолгани учунми, ўқитувчи кутиб туришини айтади. Бир чеккаси, оиладаги воқеалардан хабардор ҳам эди. Болаларини ташлаб, бадар кетган, ахёндан бир келиб, дехқончилик ортидан кун кўриб келаётган эри билан ҳуморидан чиққунча жанжаллашиб, сўнгра яна исзис гойиб бўладиган бу кимса ҳақида кўп ҳақиқатларни билар эди хонада дарс ўтаётган бу ўқитувчи...

Шу тобда... хонага отилиб кирган аёл ўқитувчини дўппослаб кетади! Шовқини эшитиб, хавотир билан югуриб келган иккинчи муаллима ҳам муштумзўр аёлнинг тазийкига учрайди.



Ҳақорат, қарғиш, дўппослаш... Афсуски, бу қилмишларни аёл, яна денг, ўз фарзанди, унинг синфдошлари олдида содир этаяпти. Ўқувчи қиз эса кўзлари тўла ёш билан онасига ялинарди: "Устозимни урмаҢ, ойи..."

Очиги, бу мавзуга батафсил тўхталишни истамасди. Холбуки, ихтиёримиздаги фактлар кимнинг аслида ким эканини кўрсатиб бериш учун кифоя қиларди. Қолаверса, ёзганларимизни масъум болажонлар, ўсмир йигит-қизлар ҳам ўқишлари мумкин. Биз улардан андиша қиламиз.

Сенга инсоф берсин, муштумзўр аёл!..

Севара ТУРҲУНОВА

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Электрон почта:
thaqiqat@mail.uz
th-tp@mail.ru

Қабулхона:
71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)
71 233-70-10
Масъул котиб:
71 233-55-38
Бўлим муҳаррирлари
71 233-38-23, 71 233-48-08
Шартнома ва эълонлар:
71 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими:
71 233-54-10

Телефонлар:

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусахҳих
Аллома АЗИЗОВА

Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ